

**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ва туман  
шаҳар адлия бўлимлари томонидан  
2022 йил мобайнида амалга  
оширилган ишлар юзасидан**

**М А Ё Л У М О Т**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН  
2021 ЙИЛ ҲАМДА 2022 ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН  
ИШЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ**

Йўналиш номи	–	2021 йил	2022 й йил	Фарқи +/-
<b>Жами келиб тушган мурожаатлар</b>	–	<b>3425</b>	<b>4963</b>	<b>+ 1538</b>
Ҳал этилган мурожаатлар	–	3122	4523	+ 1401
Қаноатлантирилган мурожаатлар	–	2115	3245	+ 1130
Ҳуқуқий тушунтириш берилган мурожаатлар	–	1007	1276	+ 269
Тегишлилигига кўра юборилган мурожаатлар	–	179	170	-9
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	–	2212	3159	+ 947
Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид	–	673	961	+ 288
Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида	–	72	136	+ 64
<i>Шу жумладан: Шикоятлар</i>	–	46	44	+ 18
<i>Нотариал идоралар хатти-ҳаракатлари юзасдан</i>	–	25	34	+9
<i>Адвокатурага оид қонун ҳужжатлари юзасидан</i>	–	21	9	-12
“Ишонч телефони”га	–	89	84	-5
<b>Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун келиб тушган қарор лойиҳалари сони</b>	–	<b>60</b>	<b>174</b>	<b>+114</b>
Шундан, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ва ҳуқуқий хулоса берилган	–	53	135	+82
Белгиланган тартибда тақдим этилмаганлиги сабабли қайтарилган	–	7	39	+32
Давлат органлари ва ташкилотларига етказилган қонун ҳужжатлари сони	–	1236	1145	- 91
Рўйхатга олинган ННТлар сони	–	471	434	-37
шундан	давлат рўйхати	292	304	+12
	ҳисоб рўйхати	179	130	-49
Рўйхатга олинган диний ташкилотлар	–	86	89	+3
шундан	<i>исломий</i>	75	77	+2
	<i>ноисломий</i>	11	12	+1
Маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар сони	–	127	591	+464
Жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган тақлифлар	–	2	0	-2
Киритилган тақдимнома	–	820	2287	+1467
Бошқа турдаги таъсир чоралар ( <i>огоҳнома</i> )	–	2438	4103	+1665
Киритилган даъво аризалар	–	620	1897	+1277

Даъво аризалар суммаси	–	9 млрд. 453 млн. сўм	26 млрд. 469 млн	<b>+17 млрд. 016 млн</b>
Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари	–	27166	40270	<b>+13104</b>
Бекор килинган ҳужжатлар	–	107	12013	<b>+11906</b>
Интизомий жавобгарликка тортилган	–	537	1563	<b>+1026</b>
Жами ўтказилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари	–	25569	29074	<b>+3505</b>
Оммавий ахборот воситалари орқати чиқишлар	–	16802	15076	<b>-1726</b>
Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар	–	267	1022	<b>+755</b>

**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2022 йил  
давомида амалга оширилган ишлар ҳақида  
М А Ъ Л У М О Т**

**1. Амалга оширилган ишлар.**

Бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимларига **18 517** та хат ва ҳужжатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг **12 526** таси ижроси таъминланди.

Соҳага доир **276** та назорат режа, чора-тадбирлар режаси ҳамда йўл хариталар ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.

Шунингдек, бошқармага жисмоний ва юридик шахслардан жами **4 963** та мурожаат келиб тушди. Шундан **4 523** таси қонуний ҳал этилди.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан **2287** та тақдимнома ва **4 103** та огоҳнома киритилган. **591** нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган. Қўрилган чоралар натижасида **1563** нафар айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарликка тортилиши, **12013** та ноқонуний ҳужжатларнинг бекор қилиниши ва **66** та мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) тўхтатилиши таъминланган.

Судларга **26** млрд. **469** млн. сўмлик **1897** та даъво аризалари киритилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **92** та норматив тусдаги қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича **29 074** та тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича **1022** та таклифлар киритилган.

**2. Кадрлар билан ишлаш соҳасида**

Бошқарма ва унинг тизимида **245,5** та штат бирлигида **258** нафар ходим ишлайди.

2022 йилнинг 31 декабрь куни ҳолатига 15,25 та вакант шу шундан бошқарманинг 2 та бош маслаҳатчиси, 1 та техник ходими (омбор мудир), 1 та адлия бўлими (Янгиер шаҳар) бош маслаҳатчиси, ЮХКМларнинг 1 та бош юристконсулти (Сайхунобод), ДХМларнинг 3 та (Боёвут 1 та етакчи мутахассис, Гулистон шаҳарда етакчи мутахассис, 1 та Ширинда бош мутахассис), ФХДЁ органларида 5 та (Сардоба, Сайхунобод, Ширин, Боёвутда 4 та мудира, Сирдарё туман 1-сон ФХДЁда 1-тоифали инспектор 1 та), 2,25 хизмат кўрсатувчи ходимлар вакант.

Ҳозирда штат бўйича лавозимларга тўлдириш чоралари кўрилмоқда.

### **3. Ҳуқуқий тарғибот соҳасида.**

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Жумладан, **жами 29074 маротаба** ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Шундан, жойларда **12314 маротаба** учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, телевидениеда **559 маротаба**, радиода **606 маротаба**, газетада **459 маротаба**, расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар орқали **13 452 маротаба** чиқишлар қилинган.

### **4. Ҳуқуқий экспертиза ва юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида.**

Юридик хизмат штат бирликлари **96 тани** ташкил этади. *(давлат бошқаруви органларида 56 та, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида 11 та ва бошқа ташкилотларда 29 та).*

Шундан, **76 та** давлат органи ва ташкилоти юридик хизмат билан таъминланган бўлиб, барчаси олий юридик маълумотли. Қолган **8 та** вакант жойни тўлдириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Юридик хизмат ходимларининг **64 нафари** белгиланган муддатларда ўз малакасини оширган, **54 нафари** адлия бошқармасида

аттестациядан ўтказилган, **61 нафар** юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари берилиши таъминланди.

### **5. Норма ижодкорлиги соҳасида.**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **135 та** норматив тусдаги қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган норматив тусдаги қарорларнинг **135 таси** давлат ҳисобига олинди. (*халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши қарорлари 44 та, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари қарорлари 91 та*).

### **6. ННТлар билан ишлаш соҳасида.**

Вилоятда жами **434 та** ННТ ҳамда **89 та** диний ташкилотлар (*Исломий диний ташкилотлар 77 та, Ноисломий диний ташкилотлар 12 та*) давлат ва ҳисоб рўйхатдан ўтиб фаолият юритади.

Бундан ташқари, **5 та** ҳакамлик судлари рўйхатга олинган.

Ўтказилган **11 та** назорат тадбирлари натижасида **421 та** қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан **113 та** тақдимнома ва 54 та огоҳномалар киритилди.

### **7. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида.**

Жисмоний ва юридик шахслардан соҳага доир келиб тушган жами **3159 та** ариза ва шикоятларнинг **2828 таси** қонуний ҳал этилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган ўрганишларда аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича киритилган **604 та** тақдимнома ва **1261 та** огоҳномаларга асосан **421** нафар мансабдор шахс интизомий ҳамда **224** нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Судларга киритилган **1622 та** даъво аризалари асосида фуқароларга **12 млрд 980 млн сўмдан** ортиқ пул маблағлари ундириб берилди.

## **8. Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш соҳасида.**

Жисмоний ва юридик шахслардан соҳага доир келиб тушган жами **961** та ариза ва шикоятларнинг **943** таси қонуний ҳал этилган.

Ушбу соҳада **857** та тақдимнома ва **1886** та огоҳномалар киритилиб, **640** нафар мансабдор шахс интизомий ҳамда **173** нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Судларга киритилган **284** та даъво аризалари асосида фуқароларга **9** млрд. **3** млн. сўмдан ортиқ пул маблағлари ундириб берилди.